ЛЕВ ТОЛСТОЙ “ИҚРОРНОМАСИ”ДА ИЖОДКОР ШАХСИ ТАЛҚИНИ

Ф.Бурхонова

Мақолада атоқли рус адиби Л.Н.Толстойнинг “Иқрорнома” асарида акс этган ижод психологиясининг мураккаб ва ўзига хос жиҳатлари, кенг маънода, ҳаётнинг моҳияти, яшашдан мақсад ва ижодкорлик сирлари тўғрисидаги руҳий изланишлар таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: ижод психологияси, бадиий маҳорат, бадиий концепция, ижодий лаборатория, рамзийлик, ёзувчи позицияси, поэтика, таҳлил, талқин.*

В статье рассматриваются сложные и своеобразные аспекты психологии творчества в «Исповеди» Л.Н.Толстого, а также мучительные нравственные раздумья писателя о сущности и цели человеческой жизни.

***Ключевые слова**: психология творчества, художественное мастерство, художественная концепция, творческая лаборатория, символичность, позиция писателя, поэтика, анализ, интерпретация.*

The article studies the complex and special experiences of L.N. Tolstoy in the creation of his novel “Confession” as well as hard moral thinking of the writer about the essence and the aim of human life and the spiritual search of the writer about secrets of creation.

***The key of words**: the psychology of creation, artistic skill, artistic sense, creative facility, symbolism, philosophical, the position of the novelist, poetics, analysis and interpretation.*

Адабиёт оламида ўзининг ижод намуналари билан инсоният маънавий камолотига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар кўплаб топилади. Улар яратган юксак бадиий асарлар макон ва замон чегаралари оша асрлар силсиласида ўзининг боқийлигини намоён этиб, инсоният маънавий камолотига таъсир ўтказиб келмоқда. Ўзининг ана шундай умрбоқий ижоди билан нафақат рус адабиёти, балки дунё адабиётида муносиб ўринга эга бўлган ижодкорлардан бири Лев Николаевич Толстойдир.

Толстой адабиётнинг кўплаб тур ва жанрларида қалам тебратган серқирра ижодкор бўлиши билан биргаликда фалсафий, табиий, ижтимоий ва диний илмларни ҳам мукаммал эгаллаган етук олим бўлган. Ўзининг бир умрлик ижодий фаолиятида ҳаётнинг туб моҳиятини англашга ҳаракат қилган. Бу айниқса, унинг хасби ҳол мақомида битилган “Иқрорнома”сида яққол намоён бўлади. “Иқрорнома” том маънода ёзувчининг ўз-ўзи билан мураккаб, айни пайтда зиддиятли мулоқоти, адибнинг фалсафий, маънавий, диний, ижтимоий, ҳаётий муаммолар ҳақидаги тасаввури ҳамда тафаккур эврилишлари инъикосидир.

Мазкур асарни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган мунаққид О.Шарафиддинов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Иқрорнома”даги асосий масала инсон ҳаётининг маъно-моҳияти, у имон-эътиқод, виждон, диёнат ҳақидаги ўй-мулоҳазалар, яшашдан мақсад нималигини англаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, адоқсиз руҳий изтироблар, англаб етилган ҳақиқату иқрорлардир” (3.88-92).

Мазкур дил битигини ўқир эканмиз, адибнинг изтиробли қалб кечинмаларига гувоҳ бўламиз. Унинг оиласига, хотини ва қизларига, хизматкорлари ва атрофдагиларга, кенг маънода бутун жамияту табиатга, борлиққа бўлган муносабатида

умид билан умидсизлик, ишонч билан ишончсизлик мудом ўрин алмашиб турганига гувоҳ бўламиз.

Адиб ўз руҳиятида кечаётган маънавий инқирозларни, қалб эврилишларини сайёҳ ҳақидаги шарқ масали орқали ҳам ифода этади. Адиб "Иқрорнома"да ўзини масалдаги сайёҳга менгзайди. Масалда сайёҳ йиртқичдан қочиб ўзини сувсиз қудуққа ташлайди, бироқ қудуқ тубида даҳшат солиб турган ёвуз аждаҳо унинг жонига хавф солади. Шу боис қудуқ деворидаги ёриқдан ўсиб чиққан ва сичқонлар кемираётган бутага муаллақ осилиб жон сақлаган сайёҳ гарчи умри поёнига етаётганини англаб етган бўлса-да, барибир бута баргларидаги бир неча томчи асални ялаб бўлса-да, ўзига таскин беради.

Толстой бу масал воқеаларидан келиб чиқадиган рамзий маънони ўз ҳаётига муқояса қилади. Масалдаги сайёҳ – йўловчи, яъни соликнинг ўз зоҳирий (йиртқич) ва ботиний (қудуқ тубидаги аждаҳо) нафси қурбонига айланмаслиги йўлидаги ададсиз кураши, ҳаётнинг мусбат ва манфий жиҳатларини англатувчи ёруғ ва қоронғулик рангларига йўғрилган тасвирлари, инсон умрининг ўткинчилигига (оқ ва қора рангдаги бутани кемираётган сичқонлар) ишорадир. Масалда тасвирланган бута ва ундаги бир неча томчи асал эса инсон ҳаёти ва унинг жозибаси, тотлилигига ишора бўлса ажаб эмас. Бироқ ўзини озгина "асал" (оила, муҳаббат, санъат, ёзувчилик иштиёқи) билангина овутиб келган адиб эндиликда бундай "озиқ"дан қаноатланиб бўлмаслигини, унинг тотидан ҳузурланиб яшай олмаслигини англаб етади. Асл ҳақиқат, яъни инсон ҳаётининг маъноси нимада эканлигини англашга бўлган иштиёқ унга тинчлик бермайди. "Менга сен ҳаётнинг маъносини тушуна олмайсан, бу ҳақда ҳадеб ўйлаверма, яшайвер" деб, ҳар қанча уқтиришмасин, мен буни қилолмайман, чунки аввалари буни анча узоқ муддат давомида қилганман. Эндиликда қаршимдан югуриб кетаётган ва мени ўлим сари элтаётган кун билан тунни кўрмаслигимнинг иложи йўқ. Мен фақат шуни кўраман, негаки фақат шугина ҳақиқатдир. Қолган нарсаларнинг ҳаммаси – ёлғон!" (3.23).

Ўз мақсади, интилиши сари ҳар қандай жиддий тўсиқларни енгиб, олдинга интилиб яшаш фақат кучли ирода соҳибларигагина насиб этиши мумкин. Бундай метин ирода Толстойга ҳам насиб этганлиги айнан таҳлилимиздаги асарда ўз исботини топган. Ҳақиқатни англаш мақсадида у ўзини қийнаётган саволга аввал дунёвий илмлардан, сўнг диний илмлардан жавоб излайди. Сулаймон пайғамбар ва Шопенгауэрларнинг "Ҳаёт ёвузликлардан иборат" деган қараши мутлақ ҳақиқат эмаслигини англайди (3.40). Бунга адиб қуйидагича иқрор бўлади: "Мен нотўғри фикр юритганим учун адашган эмас эканман, балки гуноҳкорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман... "Менинг ҳаётим нима?"- деб ўз-ўзимдан сўраб, "ёвузлик ва маъносизлик",- деб жавоб олганман. Чиндан ҳам менинг ҳаётим балои нафсни қондиришга қаратилган бўлган ва шунинг учун ҳам маъносиз ва ёмон бўлган" (3.62). Буларни англаб етган, ҳаёт маъносиз ва ёвуз деган жавоб барчанинг эмас, балки фақат ўз ҳаётига тааллуқли эканини тушунган адиб, покланишга, ҳалол меҳнат қилишга, халқ дарди билан яшашга, бирдамликни сақлашга, барчага меҳр ва муҳаббатли бўлишга интилиш орқали ҳаёт маъносини англаш мумкинлигини уқтиради. Асл ҳақиқатга фақатгина тафаккур нури ила эмас, балки иймон-эътиқод ила эришиш мумкин, ҳақиқатни иймондан, диндан топдим, деган хулосага келади.

Мана шундай муқаррар изланишларда у азалий ҳақиқатни, яшашда мақсад борлигини ўзи учун англаб етади. Бу унинг ҳаёт уммонида соҳилга қараб сузишга ундовчи илоҳий куч эди. Ёзувчи буни қуйидагича ифодалайди:

"Соҳил – Худо эди, йўналиш ривоят эди, эшкаклар менга берилган эрк эди. Мен уларнинг ёрдамида соҳилга – Худонинг жамолига эришмоққа сузмоғим керак эди. Шундай қилиб, менда ҳаёт қудрати қайта тирилди ва мен яна яшай бошладим" (3.70).

Буюк ёзувчи асл ҳаёт ҳақиқатларини ана шундай англайди ва уларни ўз асарлари моҳиятига моҳирона сингдириб юборади. Шу тариқа ёзувчининг дунёқараши, ҳаётий аъмоллари ва адабий-эстетик позицияси билан ижоди ўртасида, ёзаётган асарлари орасида мустаҳкам ришта ўрнатилади.

Бунинг ёрқин мисолини адибнинг "Уруш ва тинчлик" романидаги Андрей Болконский образи тимсолида кўришимиз мумкин. Мазкур қаҳрамон орқали ёзувчи ўзи англаган асл ҳақиқатларни ифода этади. Бу айниқса, унинг қайинзорда ўсган ёлғиз дуб дарахти билан бўлган мулоқати – монологида яққол намоён бўлади. Ҳаёти маънисиз, қалбида бўшлиқни ҳис қилган инсон руҳий ҳолатини "кўклам латофати"га берилмай яшилликдан-да бебаҳра дубга менгзайди. "Баҳор, муҳаббат, бахт-саодат! – дер эди гўё дуб, – ҳамон бир хилдаги беҳуда, маъносиз алдов ҳеч кўнгилларингга урмас экан-да! Ҳамон ўша гап, ўша алдов! Зотан баҳор ҳам йўқ, қуёш ҳам йўқ, бахт-саодат ҳам йўқ" (4.545). Аслида бу исён ёзувчининг ўз қалбида кечаётган оғриқлар экани "Иқрорнома" саҳифала-

рида ойдинлашади. Дунё абадий эмаслиги, инсон умри ўткинчи эканлиги асл ҳақиқат юксакликда, илоҳиётда, иймонда эканини Андрей Болконскийнинг Аустерлиц жанг майдонидаги чалажон ҳолатидаги руҳий тасвири орқали ифода этади. “Бу баланд осмонни нега мен шу чоққача кўрмаган эканман? Буни кўрганимга шукур! Ҳа, мана шу бепоён осмондан бошқа ҳамма нарса беҳуда, пуч экан” (4.368). Працен тепалигида қўлида байроқ билан қонга беланиб ётган Андрей руҳий ҳолатининг эврилиши баланд, адолатли ва шавкатли ўша осмонга қиёслаганда Наполеон Бонопартдек буюк шахс аслида (шуҳратпараст) майда зарра ҳам эмаслигини англаб етади.

Маълумки, Лев Николаевич Толстой ўзининг реалистик йўсиндаги ўлмас асарлари билан осмоний чўққиларни забт этган буюк ёзувчи бўлиши баробарида нигоҳи ўткир мунаққид ҳам эди. Адиб ижоди реализмнинг чўққиси ҳисобланади. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш, образли тафаккурда ҳаётий мантиққа изчил риоя этишни адиб ўз эстетик принципига айлантирган эди. Шу боис ҳам у Шекспирнинг жаҳонга машҳур драмаларига танқидий ёндашади, уларни ҳаётий ҳақиқатдан узоқ уйдирма сифатида баҳолайди. Толстой нафақат бошқалар ижодига, балки ўзига нисбатан ҳам ғоят талабчан эди. Буни биз “Иқрорнома”даги қуйидаги эътирофларда ҳам кўришимиз мумкин.

“Бизнинг ҳамма хатти-ҳаракатларимиз, фикр юритишларимиз, илм, санъат – буларнинг бари менга бир эрмакдай, тантиқликдай кўриниб қолди. Англадимки, бундан маъно излаб бўлмайди. Ҳаётни ижод қилувчи меҳнаткаш халқнинг хатти-ҳаракати эса менга бирдан-бир арзийдиган ҳақиқий иш бўлиб кўринди. Шунда англадимки, шу ҳаётга ато этилган маъно ҳақиқатдир. Ва мен бу ҳақиқатни қабул қилдим” (3.61).

Мазкур “Иқрорнома”нинг адиблар, мунаққидлар, умуман адабиёт ихлосмандлари учун аҳамияти шундаки, улар асар орқали адабиётшуносликда кам ўрганилган ижодкор лабораториясига чуқур кириб боради, ёзувчининг дунёқараши, эстетик позицияси, ижтимоий воқеликка муносабати каби қатор масалаларга жавоб топади. Ижодкор дунёқарашининг ғоят мураккаб ва сеҳрли оламига саёҳат қилади. Албатта ҳар бир ижодкорда бу жараён ўзига хос, индивидуал тарзда кечиши табиий. Бироқ у ижод жараёнининг умумий қонуниятларига мутлақо ёт нарса эмас. Қайсидир нуқталари билан умумбашарий моҳият касб этади. Айни шу ҳолат ижод психологияси ҳақида қиёслар асосида фикр юритиш, муайян хулосалар чиқариш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. –Т.: Муҳаррир, 2011. – 88 б.
2. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Озод Шарафиддинов таржималари) –Т.: Маънавият, 2010. –340 б.
3. Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар/ тўплаб нашрга тайёрловчи А.Номозов. –Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 184 б.
4. Толстой Л. Танланган асарлар. 2-жилд.- Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
2016 йил 27 августда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)